

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Истиқлол байрами арафасида Самарқанд тумани марказида 320 ўринли кўп тармоқли шифохона фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали йиғилиш бўлди. Уни туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Р. Ҳакимова очди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишда сўзга чиқиб, инсон манфаатлари йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида тўхтади. Ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлади. Шинам шифохоналар, мактаблар, болалар боғчалари, равон йўллар, кўприклар инсондан қоладиган ана шундай нури излардир.

Туманда беш минг томошабинга мўлажалланган «Гулобод» ўйингоҳи очилишига бағишланган спорт ва санъат байрами ҳам бўлиб ўтди. Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизжўраев сўзга чиқди.

Туман меҳнатқашлари мева-сабзавот, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда юқори натижаларга эришмоқда. Бу аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, ана шундай иншоотлар қуриш имконини бераётди.

Тадбирларда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

(ЎЗА).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДАС

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда жадид алоқаларга мос демократик тамойилларни қарор топтириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида ташкил этилган фуқароларнинг конституций ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси ана шу йўналишда фаол иш олиб бормоқда.

26 август куни комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида баён қилинган ҳулоса ва кўрсатмалардан келиб чиқадиган вазифалар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича вакилик институтининг биринчи ярим йиллик иш якуналари муҳокама қилинди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова мажлисни очар экан, йўлбошчимизнинг юқорида тилга олинган китобида мустақил республикамизнинг тараққиёт йўли, тинчлик ва барқарорлик омиллари донолик билан теран таҳлил қилиб берилганлигини таъкидлади. Zero, тинчлик ва осойишталик ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар муваффақиятини таъминлаётган энг катта бойлигимиздир. Давлатимиз раҳбарининг янги асарда минтақавий хавфсизликка эришиш фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, адолатли ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш билан боғлиқ кўпгина муҳим масалалар қамраб олинганки, уларни оқилона ҳал этиш орқали Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиб имкони туғилади.

Шуни айтиш керакки, вакилик институти ярим йил мобайнида Конституция ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига таяниб, ҳаётимизда ижтимоий адолатни яқин қарор топтириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди. Олти ой давомида аҳолидан 981 та ариза ва шикоят тушган. Уларнинг кўпи ижобий ҳал этилган. Фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқишда жойлардаги ҳуқуқ-тартибот муассасалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бу эса яхши самара бераётди. Zero, ҳуқуқий демократик жамиятда адолат тамойиллари каби инсон ҳуқуқлари ҳам муқаддасдир.

Комиссия мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро конвенцияларга доир қонуни ижросини назорат қилиш, яқин орада ўтказилиши мўлажалланган ҳуқуқий мавзудаги илмий-амалий конференцияга тайёрларнинг боришига оид масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

Маълумки, Олий Мажлис сессияси муҳокамасига «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда киритилмоқда. Олий Мажлис Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси Ўткир ҲОШИМОВ ушбу лойиҳа ҳақида куйдагиларни сўзлаб берди:

— Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари олдида жиддий вазифалар турибди. Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида бундай дейилган: «Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга — оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда».

Куйинчалик билан айтилган бу фикрларда ҳақиқат бор. Оммавий ахборот воситалари сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда катта ўрин тутади. Шу боис кейинги сессияларда бу соҳага алоқадор бир қанча қонунлар қабул қилинганлиги бежиз эмас. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар жиддий ҳужжатлар бўлди, де-

сак муболага бўлмайди. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги Қонун лойиҳаси бу ҳужжатларнинг мантиқий давомидир.

Тўғри, бизда шу пайтгача ҳам оммавий ахборот воситалари

«Журналистнинг бурч ва масъулиятлари», «Журналистни вакил қилиб тайинлаш» каби моддалар янги қонун лойиҳасига киритилмаган.

— Нера?

— Чунки, бу тушунчалар «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Қонун лойиҳаси устида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси, инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази мутахассислари, ҳуқуқшунослар, журналистлар фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари турли ташкилотлардан келган мулоҳазалар ҳам

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

тўғрисида қонун бор эди. Лекин у Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан олдин қабул қилинган. Табиийки, давр бугунги кунда газета ва журналлар, радио ва телевидение олдида янги талаблар қўймоқда. Бинобарин, янги қонун лойиҳасини тайёрлашда мана шу талаблардан келиб чиқилган ва жаҳон қонунчилигининг тажрибасидан фойдаланилган.

Лойиҳа 28 моддалан иборат. Унда «Оммавий ахборот воситалари тахририяти», «Тахририят ходими», «Тахририят ходимининг текшируви», «Ахборот манбаини ошқор этмаслик», «Оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар иштироки» сингари бир қанча янги моддалар бор. Шунингдек, аввалги Қонунда мавжуд бўлган «Журналист», «Журналистнинг ҳуқуқлари»,

инобатта олинди.

Лойиҳа кўмитада бир неча марта муҳокама қилинди. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳаётимиз учун муҳим бўлган қонун ҳужжатларини жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш катта аҳамиятга эга экан. Аввалги икки қонун ҳам биринчи ўқишда қабул қилиниб, матбуотда чоп этилган, кенг омма ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди. Маъжур қонун лойиҳаси ҳам сессия муҳокамасига биринчи ўқишда киритилмоқда. Депутатлар лойиҳани маълумласалар, уни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тақдим этиш мўлажалланган. Ҳали лойиҳа бўйича яна кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилади, деб умид қиламиз.

«Халқ сўзи» мухбири
И. ХУДОЁРОВ ёзиб олди.



ХИРМОНГА БАРАКА



Анджон вилояти Шахрихон туманидаги Амир Темури номи жамоа хўжалиги заривуллари пахта йиғим-теримига фаол киришдилар. Дехқонлар мавжуд 956 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишни кўзламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: илгир бригада бошлиги Абдумуталиб Қуймуродов (юқоридаги суратда ўнгда) ва теримчилар Мавжуда Турсунова, Фаридо Мўминова; тумандаги Алишер Навоий номи жамоа хўжалиги теримчиси Гулчеҳра Шокаророва (ўнгда).

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



АГРОФИРМА — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Бешариқ туманида агрофирмалар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятининг Ромитан ва Сирдарё вилоятининг Оқ олтин тумани агрофирмалари тизимига қарашли хўжаликлар, қайта ишлаш корхоналари вакиллари, олимлар ва мутахассислар қатнашди.

Анжуман иштирокчилари Бешариқ агрофирмаси тар-

кибига кирувчи хўжаликлар ва тумандаги пахта тозалаш заводи фаолияти билан танишди. Агрофирмада ўтган йили 32 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштирилди. Хўжаликлар ихтиёрида қолган қарий 4,5 минг тонна пахта толасидан салкам 360 миллион сўм даромад олин-

ди. Бу ерда юздан ортиқ кичик корхона ишга туширилди. Кулолчилик, мева ва сабзавотни қайта ишлаш, пилла йиғириш, атлас ва гилам тўқиш сингари тармоқлар вужудга келтирилди. Икки мингдан кўпроқ киши иш билан таъминланди. Сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалигига чет эл сармоя-

сини жалб этиш, маркетинг хизматини йўлга қўйиш, хомашё етиштириш билан бирга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Анжуманда Фаргона вилояти ҳокими Н. Мўминов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

Ташкилот Тошкентдаги омборидан

ARMSTRONG

ОСМАШИФТЛАРНИ СОТАДИ

2200 сўм./қв.м

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: (3712) 76-52-45, 76-49-56. Пейж. (067) 27-76.

“UZMASOM” ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

GSM
UZMASOM

Ўзбекистон, Тошкент, Халқлар дустлиги проспекти, 8.
Тел.: (3712) 45-12-55, 45-81-10. Факс (3712) 40-63-78.

“Ал-Маширик”

Фирмаси Ўзбекистоннинг ажойиб халқини энг қутлуғ ва улуг байрамлардан бири - республика Мустақиллик куни билан чин юракдан табриклайди.

Бахт ва қувват, шодийналар-ч барга яхшиликлар бир умр Сизнинг ҳамроҳингиз бўлишини тилаб қоламиз.

Фирма раҳбари *Абдулла Маъмур Али Ал-Хуби*

“АЛТАЙМАЗСЕРВИС”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВАКОЛАТХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Барча модификациялардаги МАЗ автомобиллари, улар учун кенг таволадаги захира қисмлар ва агрегатлар савдоси таклиф этилади.

Шу жумладан:

- олдинги ойналар;
- чироқлар ҳимоя кўзгулари;
- тормоз колодкалари;
- орқа рессорлар;
- кардан валлари;
- орқа кўприклар;
- генераторлар;
- катта босимдаги ёнилар насослари;
- шкворнялар ҳам сотилади.

• Шунингдек, биз МАЗ автомобилларига ҳамда “Алтай” тракторларига дингательлар ҳам сотамиз.

• “Купава” қўшма ва стационар савдо киосклар ҳам сотилади.

Тўлов шarti ихтиёрий.

Манзил: Тошкент, “8 март” кўчаси, 57.

Тел.: 91-68-94, 91-64-06, 93-09-84. Факс: 91-64-06.

• ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Саъдулла ҲАКИМ

ЯНГИ ЗАМОН ШУЖУҲИ

Кезсам наҳор ё мавриди шом
Гавжум пойтахт кўчаларида,
Чугур-чугур ажнабий калом
Эштаман нечаларидан.

Шунда ногоҳ ёдимга тушар:
Бундан ўттиз йиллар муқаддам
Меҳмон ҳабаш йигитни ўша
Кузатганим қадам-бақадам.

Бугун бошқа ҳаёт. Тунов кун
Бир даврада ўтирса жапон,
Кўзи қиймоч бўлгани учун
Кўшрабтодан келганим, дебман.

Худди шундоқ, икки инглиз
Лутф айласа бир-бирин «сиз»лаб,
Марғилондан кетган-ов, дейсиз,
Бир замонлар уммонни излаб.

Бўлди ажиб хур замон шафёв,
Йўллар очик -- қайга бурма юз:
Ўзбек ичар Парижда кофе,
Тошкентда чой хўплар француз.

Ванкувердан келиб яқинда
Меҳмон бўлди бир ҳафта Жеймс.
Сахар чоғи уйғотдим алқаб,
Етакладим: «Юр, палов
еймиз!».

Ў, ўзбегим тўй-томошаси,
Олам аро доврўқ қозонган.
Оттиради тонгни ҳам барвақт,
Кўёш чиқиб келар қозондан.

Эл-улус жам. Ёшлар хизматда,
Иззатдадир аҳли дониши.
Ҳаммасидан ёқди Жеймсга
Чорповда ҳофиз хониши.

Мудрагандек ўтирди элиб,
Дедим яйраб: «Чиндан ҳам зўр-а!»
Садқа кетсин минг бир андалиб,
Буни «Мақом» дейдилар, жўра!

Қани, ошга! Эҳ, нега? Афсус...»
Такрор таклиф қилмай неча ман,
Йймангандек жилмаяр Жеймс:
«Мен эрталаб кофе ичман...»

Тушуман, дейман, гар одам
Бир одатга ўрганса қийин.
Ҳазми таом учун ичамиз,
Биз кофени... овқатдан кейин.

Эҳ, у билмас... Ҳаёт қандай соз,
Яшагандан яшагинг келар.
Ёринг қилар кечалари ноз,
Тонгда палов ошагинг келар!



САЛОМ, САМАРҚАНД -- ШАРҚ ДАРВОЗАСИ,
САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ -- ШАРҚ ТАРОНАСИ!


Билмадик, балки яна 10, 20, 50 йиллар ўтиб, «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчилари ва бу катта байрамни ўз кўзи билан кўрганлар Регистонни, қадим Самарқандни хўрсиниб-хўрсиниб эсласалар не ажаб! Чунки 1997 йил 26 августда бу ерда очилган, улуг миллий байрамимиз -- Мустақиллигимизнинг олти йиллик шодиёналарига улашиб кетадиган мусиқа фестивали Шарқда яна бир кутлуг тўй бошланаётганидан муҳаддир.

Бугун рўйи замин сайқали бўлмиш кўҳна ва навқирон Самарқандни таниб бўлмайди. Ҳақиқий байрам тўсини олган. Хорижлик меҳмонлар кўним топган «Афросиёб» меҳмонхонасининг муҳташам фойеси турфа хил либослар кийган, турли миллат вакиллари билан гавжум. Энг қизиғи, уларнинг ҳар бири ўз миллий чолғу-асбобларида рангбаранг кўйлар ижро этишадир. Бундай гўзал ва нафис оҳанглар ўзаро уйғунлашиб, ажойиб бир симфония яратилаётгандай гўё. Гоҳ ўйноқ, гоҳ вазмингина таралаётган мусиқалар кўнгилларга қанчалар ором бағишлайди.

Тан олиш керак, ушбу анжуман ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан дунё миқёсда улкан аҳамиятга эга. Чунки унинг ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Ҳатто мазкур ташкилотнинг Маданият сектори бош директори, фахрий меҳмон Креспо Торалнинг эътирофича, шу пайтгача Шарқ мамлакатларидан бирортасида бундай катта, кенг миқёсдаги мусиқа анжумани ўтказилмаган. Шу маънода, Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро

мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон ҳукуматининг қарори озод юртимизда санъат ва маданият тараққиётига катта эътибор берилаётганидан далолат беришини у киши алоҳида таъкидлади. Америкалик таниқли раққоса, ўзбек рақсларининг моҳир ижрочиси Лоран Грей хоним эса фестивалнинг биринчи кунинда катта бир даврада ўз ҳаяжонини яширолмади. «Бизнинг Америкада давлат томонидан маданият ва санъат соҳаларига ажратилаётган маблағлар тобора камайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда санъатни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганини кутлаш керак», -- деди у.

Фестивалнинг биринчи кунини «Афросиёб» меҳмонхонасида хорижий ва маҳаллий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот конференцияси ўтказилди. Уни фестивал матбуот марказининг бошлиғи А. Усмонов бошқарди. Фестиваль халқаро ҳакамлар ҳайъатининг раиси, Япониядаги Токио университети профессори Харума Кашива, ЮНЕСКОнинг Маданият сектори бош директори Креспо Торал, шу ташкилот ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бош маслаҳатчи



Майкл Барри Лейн ва фестивал бош директори ўринбосари Неъмат Ёқубовлар журналистлар саволларига батафсил жавоблар қайтаришди. Унда маълум қилинишича, анжуманда жаҳоннинг 32 мамлакатидан 267 нафар санъат намояндаси, 11 кишидан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати, ЮНЕСКО ва Халқаро мусиқа кенгаши вакиллари ҳамда 16 та давлатнинг ҳукумат аъзолари иштирок этишмоқда. Шунингдек, ўндан ортиқ хорижий давлатлардан таширф буюрган журналистлар, қолаверса, республикамиз оммавий ахборот воситалари вакиллари фестивал жараёнини кенг тарғиб этишга шайланиб тургани айтилди. Ўзбек ва инглиз тилларида матбуот ахборотномаси, «Шарқ тароналари» деб номланган рангли журнал ҳам чоп этилаётди.

Меҳмонлар шу кунини Самарқанд шахрига кўрк ва фахр бағишлаб турган Соҳибқирон бобомизи Амир Темур ҳазратлари ҳайкали пойига туллар қўйдилар.

Шаҳарнинг бетакрор тарихий обидаларини кўздан кечиришди.

Бир ҳақиқатни айтиш керак: Шарқ ҳақида сўз кетса, «жуда нозик жой», дейилишида ўзгача таъриф бор. Минг йилларки, унинг сирини излайдилар, минг йилларки, уни тадқиқ этишди. Аммо Шарқ Шарқлигига боради. Осонликча ўзини намоеён этмайди. Тўғриси, бул заминнинг тили бўлса айтсин: неча-неча асрлар гувоҳлик беради, қанча босқин ва таловлар бу тупроқни ер юзидан супуриб ташлолмади. Юзлаб қирғинлардан омон қолган Шарқ қайта қайта уйғонаверди. Энг қувончлиси, ниҳоят, XX асрнинг охирида у ўзининг бақувват ва қудратли илдилари томир отган қадим Самарқандда минг йиллик асрий оҳанглар оғушида яна кўз очаётганида гаройиб ҳикматлар яширин.

Бундан бир ярим ойча аввалги гап. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига қизгин тайёргарликлар бошланган кезлари танишлари-

миздан бири ўзича кинояли бир фикр айтди: «Дунёда нима кўп, фестиваллар кўп бўлса. Бу улардан нимаси билан фарқлар экан-а?» Ана шунда кўнглимизга оғир ботган бу истеҳзоли ил-лаони айтган, аслида эса «европалашган» ҳамюртимизга қараб, «Э оғайни, Шарқни, қолаверса, Ўзбекистонни жон дилдан севганимда, бундай демас эдинг», -- дедик. Кунлар ўтди. Кеча эса унинг ўзи ҳижолатомуз оҳангда шундай деди: «ўз, бугунгина Самарқанддан келдим. Икки кун айланиб кўрганларимни айтиб берсам... Мен билмаган эканман. Фестиваль ташкилотчилари билан учрашиб, гаплашдим. Бу байрам бутунлай бошқача руҳда ўтар экан», дея ўз ҳайратини яширмади.

«Шарқ тароналари» ўз номи билан шарқона ўтишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. У «Азия дауси» ёхуд «Юрмала фестивали» ёки «Ялта кон-курси» ҳам эмас. Унда асл Шарқ оҳанглари янграйди. Оддийгина мусиқа асбобларидан тортиб, ҳатто кийим-кечакларгача, қатнашувчиларнинг ўзларини тутишларигача шарқона мезонларга мос келиши табиий. Унда ортиқча бақирик-қақириклар-у, гарбона ярим яланғоч саҳна томошалари ва қулоқларни қоматга келтирувчи ҳисси салолар эмас, балки минг йиллик тарихдан сўзловчи «Муножот», «Чули Ироқ» ёки «Шашмақом»лар юракларни аллалайди, кўнгилларга завку шавқ элтади. Ва шунда...

Барча дилларни, юракларни бир чорлов тўлдирди: САЛОМ, САМАРҚАНД -- ШАРҚ ДАРВОЗАСИ, САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ -- ШАРҚ ТАРОНАСИ!


Фафур ШЕРМУҲАММАД, Норкбил ЖАЛИЛ, «Халқ сўзи» мухбирлари.



“ЎзДЭУавто Ко.”

акционерлик жамияти

Озод Ватанимизнинг тарихий ва кутлуг шодиёнаси —
Мустақилликнинг олти йиллиги
муносабати билан барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади.



	<p>Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ</p> <p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 36-55-39; Хуқуқ ва қонуқчилик 36-37-85; Иқтисодий 36-36-65, 36-07-94; Маънавий 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.</p>	<p>Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Обрешт усулида босилган. Қоғоз бичими А-2</p> <p>Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.</p>	<p>● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</p> <p>Навбатчи муҳаррир — И. Худобер. Навбатчи — Х. Абдурахмонов. Мусахҳих — Ш. Режапов.</p>
<p>«Шарқ» наприёт-матбэа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти—21.00 Босишга тоширилди — 1.35 1 2 3 4 5 6</p>				